

ҲАМШИРАЛИК МУЛОҚОТИ.

Хақназарова Дилором Тўраевна

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар

Абу Али ибн Сино жамоат саломатлиги техникуми

1-махсус килиник фанлар кафедраси мудири

Аннотация: Барчамизга маълумки, ҳамширалик ишида муомила маданияти энг муҳим ҳислат ҳисобланади. Ушбу мақолада ҳамширанинг мулоқоти, ундаги этика ва деонтологияси ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: “Ҳаёт билими”, “ рухий иқлим”, тиббиёт ҳамшираси, тиббий этика

Тиббиёт ҳамшираси мутахассис ҳисобланиб, мижозлар билан бевосита мулоқотда бўлади. Беморларга гинекологик хизматни адо этишда ўрта тиббиёт ходимининг ўзига хос ўрни бўлиб, аксарият кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш, ўтказилган амалиёт муолажаларидан сўнг тайинланган зарур муолажаларни ўз вақтида, тўғри бажариш ҳамширалар томонидан амалга оширилади. Беморни қабул қилиш, операцияга тайёрлаш, зарур таҳлиллар ўз вақтида олиш, диагностик текширув муолажаларига тайёрлаш, операциядан кейинги даврда беморни оқилона парвариши гинекология йўналишида даволашнинг асосини ташкил қилади. Тиббиёт ҳамшираси зикр этилган босқичларнинг барчасида фаол иштирок этади. Врачнинг энг яқин ёрдамчиси сифатида ҳамшира буюрилган муолажаларни сидқидилдан ва тўла-тўқис бажариши, беморларга меҳрибон ва ғамхўр бўлмоғи зарур. У касбий хулқ - атворга, фазилатга ва ҳислатларга бўлган талабларга жавоб бериши керак. Ушбу талаблар ичига этика ва деонтология қоидаларига риоя қилиши ҳам киради.

Этика бу юнонча – **aethos** деган сўздан келиб чиққан бўлиб, юриш-туриш, ахлоқ деган маъноларни англатади.

Ахлоқ деганда кишиларнинг бир-бирига муносабатини, шунингдек, жамиятга, муайян синфга, давлатга, ватанга, оилага ва ҳоказоларга бўлган муносабатини тартибга солиб турадиган ва шахсий эътиқоди, бутун жамият ва ёки синфнинг кучи билан қўллаб қувватландиган қоидалар ва хулқ-атвор нормалари мажмуини тушуниш қабул қилинган. Содда қилиб айтганда – ахлоқ хулқ-атвор нормаларининг йиғиндисидир.

Тиббий этикани юзага келиши жуда қадимга тақалади, ҳаттоки хиндларнинг «Аюведа» “Ҳаёт билими” китобида яхшилик ва адолат муаммолари билан бир қаторда шифокорга раҳмдил, ҳайрихоҳ, адолатли, сабр тоқатли, осойишта ва ҳеч қачон ўзини йўқотмаслиги уқтирилади. Шунингдек юнонистонлик Гиппократ тиббий этиканинг ривожига самарали хисса қўшди ва шу туфайли Гиппократ қасамеди юзага келди. Шифокорнинг вазифаси одамларнинг соғлиғини ва уларнинг ҳаётини сақлаш борасида ғамхўрлигидир.

Тиббий ахлоқ қадимги Юнонистонда катта тараққиётга еришади ва Букрот қасамедида намоён бўлди . Букрот қасамеди умуман тиббий ахлоқнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади . Кейинчалик тиббиёт ўқув юртларини битириб чиққан ўқувчилар ҳам қасамед қабул қила бошладилар , унга Букротнинг ахлоқий насихатлари асос қилиб олинган.

Тиббий ахлоқнинг асосий вазифалари жамият ва бемор киши саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиш , ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш, беморга диққат – эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш, ўзининг барча хатти- ҳаракатларида юксак инсоний қоидаларга риоя қилиш, тиббиёт ходимининг маъсулиятини англаш, ўз Ватанига , ҳукуматига меҳр- муҳаббат ва садоқатни, интернационал бурчга содиқликни тарбиялаш, юксак инсонпарвар касбнинг олийжаноб анъаналарини сақлаш ҳамда, тиббиёт ходимини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашнинг мавжуд воситаларини умумлаштириш ва янгиларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тиббий ахлоқнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- жамият ва беморнинг саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиш;
- ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш, беморга диққат эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш;
- ўзининг барча хатти ҳаракатларида юксак инсоний қоидаларга риоя қилиш;
- тиббиёт ходимидек юксак шарафли ва маъсулиятли вазифани англаш;
- ўз ватанига, ҳукуматига меҳр-муҳаббат ва садоқатни, интернационал бурчга содиқликни тарбиялаш;
- юксак инсонпарвар касбнинг олийжаноб анъаналарини сақлаш ҳамда кўпайтириш;



• тиббиёт ходимини меҳнат руҳида тарбиялашнинг мавжуд воситаларини умумлаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишдир.

Ахлоқий тушунчалар.

Ахлоқий тушунчаларга **бурч, жавобгарлик, кадр-қиммат, виждон, номус(шараф) ва бахт** тушунчалари киради. Улар минг йиллик тарихга эга бўлиб, турли ахлоқий назариялар ва таълимотларда ишлаб чиқилган .

➤ **Бурч** тушунчаси касб ёки ижтимоий муносабатлар асосида қарор топган ўз вазифасини бажариш вақтидаги муайян касбий ва ижтимоий мажбуриятлар доирасини англатади. Бурч тўғри бажарилмоғи учун у охиригача тўғри англаб етилган бўлиши лозим. Бундай шароитда кишида ўз вазифаларини асосли равишда бажариш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган ва ўз бурчини яхши англаб етган тиббиёт ходими бурчини тегишли талабларга мувофиқ аниқ ва сифатли бажаради. Тиббиёт ходимининг бурчи инсонпарварликни намойиш қилиш ва хамиша беморга ёрдам кўрсатиш , кишиларнинг жисмоний ва рухий соғлигига қарши қаратилган ёки уларнинг ҳаётига хавф солувчи хатти – ҳаракатларда қатнашмасликдир.

➤ **Жавобгарлик** - тиббиёт ҳамширасининг ўз бурчини бажариш давомида зарур бўлган саранжом-саришталик, маъсулиятлилик, касбини суистеъмол қилмаслик ва ўз зиммасидаги вазифаларни тўла адо этишда ифодаланади. Ҳар бир тиббий ходим ўзининг пала – партишлиги , енгилтаклиги , беморлар ишончини суистеъмол қилиш ва барча хато ҳамда камчиликлари учун жавобгарликка тортилади.

➤ **Кадр-қиммат** ва номус шахснинг ўз касбини ижтимоий аҳамиятини фақат англаши, унга бўлган мухаббати ва касбидан ғурурланишигина эмас, балки маънавий жиҳатидан такомиллашишга, иш малакаси ва иш сифатини оширишга бўлган доимий интилишидан ҳам иборатдир.

Тиббиётнинг етук арбоблари касб кадр қиммати ва шарафи туйғусини хамиша баланд сақлаганлар . Бу эса халқнинг тиббиёт намояндаларига зўр ишонч билан қарашига сабаб бўлган.

➤ **Номус-(шараф)** тушунчаси бурч тушунчасидан ажралмасдир. Бу тушунча анча умумий маънода кишининг ижтимоий аҳамиятини (шахс, фуқаро,

ўз ишининг устаси сифатидаги ва хоказо аҳамиятини), онглилигини яъни ўз обрўси ва шуҳратини, ўз кадр-қимматини сақлашга интилишини ифодалайди.

➤ **Виждон** тушунчаси бурч, шараф ва кадр-қиммат туйғуси тушунчалари билан бирлашган. Ахлоқнинг бошқа тушунчаларидан фарқли ўлароқ виждон тушунчасида кишининг ички ахлоқий, ўз-ўзини англаши ўз хулқи-атвори учун ахлоқий жавобгарликни хис қилиши, ўз фикрларига, хис-туйғуларига ва хатти-ҳаракатларига жамиятда амал қилаётган ахлоқ нормаларига мувофиқ равишда баҳо бериши намоён бўлади. Виждон кишининг ички ахлоқий хакамидир.

Виждон кишининг ички ахлоқий туйғусидир . Виждон ахлоқий кадрятлар , чунончи , халолик ва ростгўйлик , адолат ва ахлоқий поклик бошқа кишиларнинг ҳуқуқларини ҳамда ўзининг вазифаларини хурмат қилиш кабилар билан чамбарчас боғлиқ.

Кенг халқ оммасининг тушунчасида тиббиёт ходими соф виждонли, ниҳоятда ҳалол, адолатли ва юксак ахлоқли кишидир. Кўпгина кишилар шифокор билан дилдаги энг ноёб кечинмаларини баҳам кўрадилар, маслаҳат сўрайдилар ва фақат унинг ўзигагина ишонадилар.

Бир қатор фалсафий-ахлоқий тизилмаларда **бахт** тушунчаси бутун ахлоқ учун бошланғич нуқта деб қаралади. Бахт, бахтли ҳаёт тушунчаси соғломлик тушунчасидан ажралмасдир. Соғлик яхши бўлмаса, тўлиқ бахтнинг бўлиши мумкин эмас. Тиббиёт ходимларининг хулқ-атвори ахлоқи муаммоларини кўриб чиқиш вақтида асосий ва умумий масалаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарурки, тиббиёт ходими қаерда ишлашидан қатъий назар, бу масалаларга амал қилиши, шунингдек поликлиника ёки касалхонанинг ўзига хос шарт - шароитларига мувофиқ равишда хусусий масалаларга ҳам риоя қилиши зарур.

Ана шу масалаларни шартли равишда **иккига** ажратиш мумкин:

1. Ички маданият қоидаларига, яъни: меҳнатга муносабат қоидаларига риоя қилиш, интизомга риоя қилиш, жамоат мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ҳамжиҳатлик ва коллегиялик туйғуларига риоя қилиш.

2. Ташқи хулқ-атвор қоидаларига, яъни: одоб қоидаларига, хушмуомалаликка ҳамда тегишли ташқи кўриниш қоидаларига риоя қилиш (ташқи покизалик, ўз танаси, кийим-бошлари, пойафзалнинг тозалиги, ортиқча

безаклар ва пардознинг бўлмаслиги, оқ халат, оқ қалпоқ ёки рўмол кабилар). Булар тиббий ахлоқ қоидаларини ташкил этади.

Ташқи маданият қоидаларига ҳамкасблар, беморлар ўртасида ўзини тута билиши, бажараётган вазифасига ҳамда шарт-шароитга қараб суҳбат олиб боришни билиш ва хоказолар киради.

Одоб ахлоқ қоидалари тиббиётнинг кўп асрлик тарихи давомида ишлаб чиқилган аъзоларнинг жипслиги , ўзаро дўстона муносабатлари , хар бир кишининг меҳнатини хурмат қилиш соф ошкора танқид муайян “ рухий иқлим” ни вужудга келтиради , иш сифатига яхши таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Қодирхон Иномов “Ҳамширалик иши асослари” Тошкент – 2007 йил.
2. А. Гадаев , М.Х.Алимова , Х.С. Салиходжаева , Л.Х.Мусажонова “Умумий Амалиёт ҳамширалари учун амалий қўникмалар тўплами” Тошкент - 2011.
3. Т.Ю. Умарова , И.А. Қайумова , М.Қ. Ибрагимова “Ҳамширалик иши ” Тошкент- 2003 йил .
4. К.У. Закирова , Д.У. Тохтаматова “Ҳамширалик иши асослари” Тошкент – 2010 йил.

